

**QO‘QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI
ILMIY XABARLARI
(2025-yil 3-soni)**



**IJTIMOIY FANLAR
SOCIAL STUDIES**

"САЛОТИ МАСЪУДИЙ" АСАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОИЙ-ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР ЕЧИМИДАГИ ЎРНИ

Усманова Хулкар Маматовна,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти
<https://orcid.org/0009-0003-3726-0332>
email: teacher8282@mail.ru

Аннотация "Салоти Масъудий" асари ислом хуқуқшунослигининг муҳим манбаларидан бири бўлиб, унда ижтимоий ва хуқуқий масалалар, жумладан, ижара муносабатлари батафсил баён қилинган. Асарда ижаранинг турлари, шартлари ва тарафларнинг жавобгарлик масалалари ҳақида ҳанафий мазҳабининг қарашлари акс этган. Шунингдек, асар ижара шартномаларининг замонавий қонунчилик билан уйғунлигини таҳлил қилиш имконини беради. Ижара шартномалари бўйича "Салоти Масъудий"даги хукмлар, айниқса, мулк ижараси ва хизмат ижарасига оид қоидалар бугунги фиқхий масалаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутади. Асарнинг бугунги ижтимоий-хуқуқий масалалар ечимидағи аҳамияти унинг фиқхий хукмларни замон талаблари билан уйғунлаштириш имкониятида намоён бўлади.

Калит сўзлар: ижара, фиқх, шартнома, товоң, ҳанафий мазҳаби, шариат, ислом хуқуқи, жамият, замонавий фиқх.

РОЛЬ ТРУДА «САЛОТИ МАСЪУДИЙ» В РЕШЕНИИ СОВРЕМЕННЫХ СОЦИАЛЬНО-ПРАВОВЫХ ВОПРОСОВ

Аннотация Труд "Салоти Масъудий" является одним из ключевых источников исламской юриспруденции, в котором детально рассматриваются социальные и правовые вопросы, включая арендные отношения. В трактате изложены положения ханафитского мазхаба о видах аренды, условиях договоров и ответственности сторон. Также трактат позволяет анализировать соответствие арендных договоров современному законодательству. Решения "Салоти Масъудий" по арендным контрактам, особенно касающиеся имущественной и трудовой аренды, играют важную роль в решении современных фикховских вопросов. Значимость трактата в решении актуальных социально-правовых проблем заключается в его способности адаптировать юридические нормы шариата к требованиям времени.

Ключевые слова: аренда, фикх, договор, компенсация ханафитский мазхаб, шариат, исламское право, общество, современный фикх.

THE ROLE OF 'SALOTI MAS'UDI' IN SOLVING MODERN SOCIO-LEGAL ISSUES

Annotation The work "Saloti Mas'udi" is one of the key sources of Islamic jurisprudence, detailing social and legal issues, including lease agreements. The treatise presents Hanafi School's views on the types of lease, contract conditions, and the responsibilities of parties. It also provides an opportunity to analyze the compatibility of lease agreements with modern legislation. The rulings in "Saloti Mas'udi" on lease contracts, particularly those concerning property and service leases, play a crucial role in addressing contemporary fiqh issues. The treatise's significance in solving modern socio-legal issues lies in its ability to integrate Islamic legal principles with contemporary requirements.

Keywords: lease, fiqh, contract, compensation, hanafi school, sharia, islamic law, society, contemporary fiqh.

КИРИШ

Ислом ҳуқуқшунослигида ижара муносабатлари мухим ўрин тутади. Турли фиқхий мактаблар ижарага оид ўзига хос қоидаларни ишлаб чиқсан бўлиб, улар орасида ҳанафий мазҳаби маҳсус аҳамиятга эга. "Салоти Масъудий" асарида ҳам ижара шартномаларининг асосий қоидалари ёритилган. Бу қоидалар ҳозирги замонавий фиқхий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда мухим манба ҳисобланади. Асарда ижара шартномаларининг тузилиши, уларнинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти ва шариат талаблари бўйича ҳуқуқий баҳоланиши таҳлил қилинган. Ушбу мақолада мазкур масала ислом ҳуқуқшунослиги ва замонавий қонунчилик нуқтаи назаридан ўрганилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўрта асрларда ёзилган фиқҳ ва фатво манбалари, жумладан, Масъуд ибн Махмуд ибн Юсуф Самарқандийнинг (XIII аср охири – XIV аср бошлари) "Салоти Масъудий" асарида ҳам ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ кўплаб муаммолар, хусусан, ижара шартномасига оид хукм ва ечимлар мавжуд. Бундай масалаларни таҳлил қилишдан олдин, "ижара" тушунчасига аниқлик киритиш мухим. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида бу атама қўйидагича изоҳланган[1]:

1. ИЖАРА (إِجَارَة) араб. - ижора) – тарихий-этнографик атама сифатида, ислом дини тарқалган давлатларда ер эгалари томонидан дехқонларга ерни ишлаш учун бериш ва бунинг эвазига пул тўлаш амалиётини англатади. Агар ер эгаси ҳақини ҳосилдан улуш сифатида олса, бу муносабат "музореъа" деб аталган. Ушбу амалиёт 20-асрнинг бошларигача Ўрта Осиёда кенг тарқалган бўлган.

2. ИЖАРА – мол-мulkни вақтинчалик фойдаланиш учун бериш ва унинг эвазига муайян тўлов ундиришга асосланган шартномавий муносабатлар тизими. Бунда ижара берувчи шахс (жисмоний ёки юридик шахс, давлат) ўз мулкини ижара олувчига маълум муддатга фойдаланиш учун беради. Ижара ҳақи ушбу мулкнинг бозор қиймати ва унинг келтирадиган даромадига боғлиқ равишда аниқланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижара муносабатлари такомиллашган шакллардан бири – лизинг орқали амалга оширилади. Қишлоқ хўжалигида эса ижара муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу ерда асосий ижара обьекти ер ресурсларидан иборат. Хорижий мамлакатларда ер нафақат бирламчи, балки иккиламчи ижарага ҳам берилиши мумкин, Ўзбекистон қонунчилигига кўра эса ер давлат мулки ҳисобланиб, у фақат бирламчи ижарага берилади.

Ижара ва унинг муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (1998), Фуқаролик кодекси (1996) ҳамда “Ижара тўғрисида” (1991), “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида” (1998), “Фермер хўжалиги тўғрисида” (1998), “Дехқон хўжалиги тўғрисида” (1998) каби қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ислом ҳуқуқшунослигига ижара масаласи анъанавий фиқхий манбаларда кенг ёритилган бўлиб, унинг ҳукмлари Куръон, ҳадис ва ислом ҳуқуқ мактаблари томонидан тартибга солинган. Ижара – муайян ҳақ эвазига мол-мулк ёки хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи шартнома бўлиб, у ислом ҳуқуқининг савдо ва муомалот масалалари қаторида ўрганилади.

Ижаранинг шаръий асослари Куръон оятларида баён этилган. Жумладан, Қасас сурасининг 26-оятида: “Икки (қиз)дан бири: “Эй отажон, уни ишга ёллаб ол. Албатта, сен ишга ёллайдиган энг яхши кимса – кучли ва ишончлидир”, деди”[2] деб марҳамат қилинади. Шунингдек, Талоқ сурасининг 6-оятида: “Агар сизга (фарзандни) эмизиб берсалар, ҳақларини беринглар, ўзаро яхшилик билан маслаҳат қилинглар”[2] деб, хизмат ижарасининг жоизлиги қайд этилади.

Ҳадисларда ҳам Пайғамбар (с.а.в.) ижаранинг шаръийлиги ва унинг одилона амалга оширилиши ҳақида кўрсатмалар берганлар. Масалан, бир ҳадисда: “Омонатли хазиначи, ўзига амр қилинган нарсани сидқидилдан адо этиб турса, икки садақа берувчининг бири бўлади”[3] дейилади. Бу эса ижара муносабатларида тарафларнинг бурч ва мажбуриятларини сидқидилдан бажаришлари зарурлигини таъкидлайди.

МУҲОКАМА

Ислом ҳуқуқшунослигига ижара шартномаси икки асосий турга бўлинади:

1. Айн ижараси (мулк ижараси) – қозик мол-мулк, бино ёки ерни вақтинчалик фойдаланиш учун беришни ўз ичига олади. Масалан, уй ижараси, дўкон ижараси ёки қишлоқ хўжалиги учун ер ижараси.

2. Хизмат ижараси – муайян шахснинг меҳнати ёки малакасини маълум ҳақ эвазига тақдим этишидир. Масалан, усталар, ҳайдовчилар ёки ўқитувчилар хизматларини ижарага олиш. Ҳар икки турда ҳам шартноманинг аниқ муддати, ҳақ миқдори ва хизмат кўрсатиш тартиби белгилаб қўйилиши шарт.

Ҳанафий фиқҳида ижара молиявий муомалотларнинг муҳим тури ҳисобланади. Уламолар ижарани қўйидаги асосий шартларга бўлишган Ижарага олувчининг масъулияти – ижарадаги мулк заарар кўрса, унинг жавобгарлиги аниқ белгиланган

.бўлиши керак Ижарадаги хизматлар – инсон меҳнатига асосланган ижарада - масалан, ишчи-ходимларнинг меҳнати ҳукмлар мураккаброқ бўлиб, хизмат ҳаки ва шартлари аниқ белгилаш талаб қилинади.

Моликий мазҳабида ижарага берилган мулкка заарар етказилган тақдирда ижарага оловчи жавобгар ҳисобланмайди, агар у мулқдан одатий фойдаланган бўлса Шофеъий мазҳабида эса ижара шартномаси аниқ ва узоқ муддатли бўлиши керак, акс ҳолда у фосид, яъни бекор ҳисобланади.

“Салоти Масъудий” асарида ижара муносабатларига оид бир қанча фикҳий ҳукмлар баён қилинган бўлиб, улар қуидаги асосий шартларни ўз ичига олади[4: В.396а]. Икки томоннинг розилиги – ижара шартномаси ихтиёрий бўлиши шарт, мажбурий шартномалар ҳақиқий эмас. Ижара муддатининг аниқ белгиланиши – аниқ муддатсиз ижара шартномаси тўғри эмас. Ижара ҳақининг белгилаб қўйилиши – ҳаққи номаълум бўлган шартнома фосид ҳисобланади.

Шунингдек, асарда ижарага олинган мол-мулкка заарар етказилган ҳолатда ижарачининг жавобгарлиги масаласи ҳам муҳокама қилинган. Жумладан, қуидаги масала баён этилади: "Агар ижарага олган шахс молга заарар етказса, жавобгарлиги қандай бўлади?" Бу масалага "Салоти Масъудий"да қуидагича ечим таклиф этилган:"Агар ижарага оловчи молни нотўғри ишлатиб бузса, товон тўлаши шарт. Агар мол табиий равишда бузилса, у товон тўламайди"[4: В.397а].

Бу ҳукмдан кўриниб турибдики, ижара муносабатларида ижарага оловчи мол-мулкка эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, агар унинг зарари унинг хатоси туфайли юзага келган бўлса, товон тўлаши лозим.

НАТИЖА

Бугунги кунда ижара муносабатлари, айниқса, турар жой ва тижорат бинолари ижараси кенг тарқалган. Шариат бўйича бу турдаги ижаранингтўғри бўлишиучун :қуидаги шартлар амалга оширилиши керак – Ижара муддати аниқ белгиланиши муайян муддатсиз шартнома ҳанафий уламоларига кўра фосид ҳисобланади.Ижара ҳаки .маълум бўлиши – номаълум ижара ҳаки билан шартнома жоиз эмас Ижарага бериладиган мулкнинг сифатлари аниқ бўлиши – бу келишмовчиликларнинг олдини .олади

Ҳозирда меҳмонхоналарнивақтинчалик каижара га олишоммалашган. Бу ҳолатда мижоз билан меҳмонхона ўртасидаги муносабатҳуқуқий жиҳатдан қуидаги тарзда :баҳоланади Агар ижара муддати ва ҳаки аниқ белгиланган бўлса, бутўғри. Агар қўшимча тўловлар- масалан, зарарни қоплаш кафолати шартномада аниқ кўрсатилмаган .бўлса, келишмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин Салоти Масъудий"даги ҳукм"га кўра, ижарага олинган уй бузилиб қолса ва бу ижарага оловчининг айби бўлмаса, у товон тўламайди. Лекин, агар ижарага оловчи уйни эҳтиётсизлик билан шикастласа, товон тўлаши шарт[4: В.398а].

Замонавий ҳаётда ижара муносабатлари янги шаклларда намоён бўлмоқда. Масалан, тўй ёки тантаналар учун турли буюмларни, безак ларни декор сифатида ижарага олиш. Бу турдаги ижарада ижарага оловчи мулқдан фойдаланмасдан, фақатгина атрофни безаш мақсадида ишлатади. Ислом фиқҳи бўйича, ижарада мулқдан фойдаланиш асосий шартлардан бири бўлгани учун бу каби ижара шакллари ихтилоғли ҳисобланади. “Салоти Масъудий”да фойдасиз нарсаларнинг ижараси мумкин эмаслиги қайд этилган, аммо урфга асосланиб, бу амалга йўл қўйилган ҳоллар ҳам мавжуд. Демак, .бу каби ижара шакли урф-одатга қараб ҳал қилинади

Анъянавий фиқҳда ижарага оловчининг мулк ёки хизматдан якка ҳолда фойдаланиши муҳим шартлардан бири ҳисобланган. Бироқ ҳозирги кунда такси хизматларида бир вақтнинг ўзида бир неча йўловчи билан келишувга эришиш одатий ҳолга айланган. Фиқҳий жиҳатдан, бу масалада ихтилоғ мавжуд бўлиб, аслида мумкин .бўлмаса-да, урфга кўра жоиз бўлиши мумкинлиги таъкидланади

Исломхуқуқшунослигида маклерлик (симсарлик) хизмати воситачилик фаолияти сифатида баҳоланиб, муайян шартлар асосида жоиз деб топилган. Агар маклер ҳам ижарага берувчи, ҳам ижарага оловчи томонга хизмат қилса, иккаласидан ҳам ҳақ олиши жоиз бўлади. Аммо ҳеч қандай келишувсиз ҳақ ундириш ман қилинган. Бунда маклер ва мижозлар ўртасидаги шартноманинг аниқ белгиланиши муҳим аҳамият касб этади. Салоти Масъудий”да ҳам ижарада келишувни расмийлаштириш шарт эканлиги “.таъкидланган

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Салоти Масъудий” асари ислом хуқуқининг “муҳим манбаларидан бири сифатида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда назарий ва амалий ечимлар тақдим этади. Асарнинг ижарага оид ҳукмлари ҳанафий мазҳабининг умумий қоидаларига асосланган бўлиб, мулк ижараси, хизмат ижараси ва .зарар учун жавобгарлик каби масалаларда аниқ йўл-йўриқлар беради

Замонавий ижтимоий-хуқуқий муаммоларни ҳал этишда "Салоти Масъудий" асарининг аҳамияти катта бўлиб, у фуқаролик хуқуқи, ижара муносабатлари ва ишчилар хуқуқи бўйича аниқ меъёрий асослар тақлиф этади. Асарнинг бугунги хуқуқий тизимлар билан уйғунлаштирилиши ижтимоий адолат ва шаффоғликни таъминлашда муҳим .аҳамият касб этади

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ijara-uz/>

2. Абдулазиз Мансур. Куръони карим маънолари таржимаси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. 28:26.

3. <https://islom.uz/view/izhara-xakida-2>

4. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма: 2639.